https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Хамидов Мансуржон Абдухалилович,
Бухоро давлат университети PhD мустақил тадқиқотчиси,
Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот
ва мониторинг маркази раҳбари
Элов Зиёдулла Сатторович,
Илмий раҳбар - Осиё халқаро университети доценти,
Психология фанлари доктори (DsC)

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ - ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Аннотация: ушбу мақола Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг марказининг Олий Мажлис жамоат Фонди томонидан тақдим этилган “Коррупция - тараққиёт кушандаси” грант лойиҳаси доирасида тайёрланган бўлиб, унда таҳлилий мулоҳазалар асосида маиший коррупцияга йўл очаётган муносабатлар, уларни олдини олиш ва қарши курашишда самарали ижтимоий шерикчилик йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтилган ва дастлабки хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Коррупция, фуқаролик жамияти, жамоатчилик, маиший коррупция, коррупцияга қарши муросасиз ёш авлод, самарали ижтимоий шерикчилик, фуқаролик жамияти институтлари, давлат раҳбари, ННТлар,

Мамлакатимизнинг тинч ва фаровон тараққиёти бугун юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун жуда катта неъматдир. Мана шундай улуғ неъматларга шукрона келтириб, келгусида давлатимизни янада тараққий эттиришда қўшадиган ҳиссамиз янада муҳим ҳисобланади.

Айниқса, давлатимиз раҳбари - муҳтарам Юртбошимиз томонидан бугунги кунда жамият фаровонлигини таъминлашнинг барча эшиклари очилиб, юртимизни халқаро обрўъ-этиборига салбий таъсир қиладиган барча

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

иллатларга қарши курашиш борасида кўрсатилаётган жуда катта сиёсий ирода ҳар биримизнинг саъйи-ҳаракатларимизни бирлаштиришда муҳим мотивациядир.

Мамлакатимиздаги юксалишларга жиддий тўсиқ сифатида бугун коррупция балосини алоҳида қайд этиш зарур. Давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда, давлат бошқаруви соҳаларини либераллаштиришда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, ўз мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлатимизнинг обрўсизланишига, мамлакат сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етиши билан биргаликда давлат органларига халқнинг ишончсизлигини келтириб чиқариб, бошқарув самарадорлигининг сусайишига сабаб бўлади.

Шу боисдан мазкур иллатга қарши курашиш ва имкон қадар олдини олиш нафақат давлат балки жамоатчилик фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

2008 йилда Ўзбекистон БМТнинг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясини ратификация қилди ҳамда давлат томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бажаришга киришилди.

2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик 7 ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди.

Айниқса, 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани ушбу йўналишдаги ишларни муҳим жараёнга айлантирди.

Шуни алоҳида айтиш зарурки, йиллар давомида муҳокамада турган ва бугунги кунда коррупцияга қарши курашишда муҳим фундамент бўлаётган

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Қонунлар, жумладан “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунлар давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли қабул қилинди.

Мазкур қонунларда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари мустаҳкамланди. Коррупцияга қарши курашиш мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда Муҳтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, **“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”**[1]лигини бугунги ислоҳотларнинг ҳақиқий манзараси кўрсатиб турибди.

Коррупция бор жойда нафақат жамиятда фуқаролар ишончсизлиги, балки халқаро ҳамкорларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга ишончсизлиги ортиб, жаҳон глобал рейтингларида юртимиз обрўсини тушиб кетишига олиб келади.

Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази 2022 йилдан бошлаб жамиятда жамоатчилик назорати ролини ошириш, жамоатчилик назорати субъектларининг *(ЖНС)* компитентлигини такомиллаштириш борасида қатор тадқиқотлар олиб бормоқда.

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь.// Манба: www. president.uz/uz/lists/view/3324

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Айнан Олий Мажлис жамоат Фондининг 2023 йилдаги “Ҳуқуқни англаш - масъулият ҳиссини ривожлантиради” грант лойиҳаси доирасида ҳудудларда маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг намунавий ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги, мазкур йилларда вилоят миқёсида жамоатчилик назорати субъекти сифатида коррупцияга қарши курашишда уларнинг ролини тобора ортиб борганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

“Ноила” ИКҲТМ маркази 2023-2024 йилларда Навоий вилояти “Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш” жамоат фондининг **“ТАЖРИБА МАЙДОНИ: жамоатчилик назорати субъектлари компитентлигини ривожлантириш коррупцияга қарши курашишда муҳим қадам”** грант лойиҳаси доирасида Осиё халқаро Университети билан ҳамкорликда Навоий шаҳри, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларида 240 нафар жамоатчилик назорати субъектларидан иборат контенгент *(МФЙ, ОАВ, ННТлар ва жамоатчилик Кенгашлари аъзолари)* орасида коррупцияга қарши курашишда компитентликни намоён бўлиши борасида психологик тадқиқотлар амалга оширилиб, магистрлик диссертацияси кўринишида муҳим натижалар олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Юртбошимиз томонидан давлат ва нодавлат сектор ижтимоий шерикчилигининг асосий объекти сифатида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги ҳатти-ҳаракатлар илмий тадқиқотлар кўринишида ривожланаётганлиги ва бунинг жамиятга мослашуви билан боғлиқ психологик изланишлар олиб борилаётганлиги жуда муҳим воқеалардан биридир.

Ўтган йиллар давомида коррупцияга қарши курашиш давлат органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш каби чора-тадбирлар орқали амалга оширилиб келинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, коррупция муаммоси сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган долзарб мавзу ҳисобланади. Айрим сиёсатчилар томонидан коррупцияга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилган. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг айримлари коррупция балосига ўз вақтида муваффақиятли курашиб, ижобий натижаларни қўлга киритишган.

Албатта бу борада, “Сингапур тажрибаси”, Исроил ва Скандинавия давлатларида эришилган муваффақиятлар дунё жамоатчилиги томонидан кенг тилга олинади[2].

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга алоҳида баҳо бериб, келгусида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш нафақат давлат органлари олдидаги вазифа балки жамоатчилик билан жуда катта ҳамкорлик объекти бўлиши зарурлигини яна бир бор таъкидлаб, мазкур соҳада давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги самарали ижтимоий шерикчилик манбаси сифатида мазкур фаолиятни кенг қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдириб ўтдилар[3].

[2] ava.md/ro/articole/world/kak-singapur-pobedil-korrupciyu/?ysclid=mepiy443f1951489882, strategy.uz/index.php?news=986
[3] president.uz/uz/lists/view/7924

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Тан олишимиз керак, 2017 йилдан бошлаб давлат органлари очиқлигини таъминлаш, коррупцион ҳолатларни олдини олиш мақсадида Давлат раҳбари иродаси билан жуда катта ҳажмда ишлар амалга оширилди. Сўнгги йилларда бу иллатга қарши курашиш бўйича қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Парламент палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинди.

Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очиқ тизим, очиқ муҳит яратилди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда.

Аввало, коррупциянинг омилларига қарши курашилмоқда. Масалан, ерни ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечиб, аукцион тизимига ўтказилгани натижасида бу тизим халқчил бўлди. “Шаффоф қурилиш” дастури жорий этилганидан кейин бу соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар сезилди.

Давлат харидлари бўйича қонун қабул қилингани, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалди.

Бугунга келиб, барча банклар 100 миллион сўмгача маиший кредитларни инсон омилисиз 5 дақиқа ичида онлайн бераяпти. Натижада олдин бу иш билан шуғулланган минглаб банкирлар энди маҳаллага тушиб, одамларга лойиҳа, кредит таклиф қилиб, мижозини кўпайтириш билан ишлаяпти.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу соҳада мурожаатлар сони 2,5 каррага камайди. Олий таълим тизими ҳам рақамлаштирилди. Аввал тест топшириб, тўплаган баллига қараб, кейин олийгоҳни танлаш жорий қилинди. 35 турдаги

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

ҳужжатларни инсон омилисиз олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2 баравар камайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори “боди-камера”да хизмат ўтаётгани, авторақамлар аукционда сотилаётгани, қоғоздаги баённома йўқ бўлгани учун коррупция омиллари кескин камайди.

Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Натижада 200 мингга яқин янги тадбиркорлар бозорга кириб келди. Чет эл иштирокидаги корхоналар қарийб 5 карра ошиб, 23 мингга яқинлашди.

Электрон давлат хизматлари сони 15 карра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар эса, 11 миллиондан ошди.

Энг муҳими, булар орқали аҳоли, тадбиркорлар, хорижий ҳамкорларимиз, халқаро ташкилотлар ва инвесторларнинг ислоҳотларга ишончи мустаҳкамланди. Сўнгги етти йилда 120 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киргани, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, ўтган йили 115 миллиард долларга етгани бунинг исботи[4].

Айнан мазкур йўналишда фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини сингдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилиб, Юртбошимиз томонидан жамоатчиликка мурожаат қилиб, коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон иши эканини таъкидлаган эдилар.

Жумладан, – Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар,

[4] president.uz/uz/lists/view/7924

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараши керак, – деган эди Шавкат Мирзиёев[5].

2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш Миллий Кенгаши йиғилишида Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази раҳбари ва тадқиқотчи сифатида Давлатимиз раҳбарига мурожаат қилиб, маиший коррупцияни олдини олишда аввало мамлакат миқёсида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уларни таҳлил қилган ҳолда одамларнинг мазкур жараёнга муносабати ва таҳлиллар натижасида масъул идоралар иш тарзини ўзгартириш бўйича уларга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни илгари сурган эдик.

Муҳтарам Юртбошимиз мазкур таклифларимизни қўллаб-қувватлаб, мазкур тадқиқотларни Республика миқёсида амалга ошириш зарурлиги ва бунинг учун эса, “Навоий тажрибаси”ни яратиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаган эдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маиший коррупция шаклида содир этилаяпти. Шу боис, мазкур тизимни туманлар даражасига тушиб, маиший ва тизимли коррупция омилларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Бу учун эса, давлат ва нодавлат сектор ўртасида ўзаро самарали ижтимоий шерикчиликка асосланган ҳамкорлик зарур бўлиб турибди.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш – давлат хизматига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади. Шу боис ёш мутахассисларда уларни талабалик давридан бошлаб коррупцион хулқ-атворга нисбатан барқарор ахлоқий позицияни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик

[5] president.uz/uz/lists/view/7924

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

механизмларини ўрганиш ва такомиллаштириш, ишга олишдаги тартиб ва ёндашувларни соддалаштириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича илмий ва амалий тадқиқот ишларини олиб бориш лозим бўлади.

Айни пайтда Юртбошимизнинг мазкур тавсиялари асосида Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази Бухоро давлат университети билан ҳамкорликда **“Талабаларда коррупцион хулқ атворга қарши барқарор ахлоқий позицияни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари”** мавзусида илмий тадқиқот иши ижтимоий шерикчилик доирасида амалга оширилмоқда.

Мазкур ижтимоий шерикчиликни самарали амалга ошириш учун “Ноила” ИКҲТМ маркази томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат Фондининг **“Коррупция тараққиёт кушандаси”** мавзусида грант лойиҳаси ютиб олинди.

Келгусида мазкур грант лойиҳаси доирасида ҳудудларда ижтимоий сўровлар орқали маиший коррупцияни келтириб чиқарадиган омилларни, муносабатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида бу борадаги иш услубларини такомиллаштириш учун амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

“Талабаларда коррупцион хулқ атворга қарши барқарор ахлоқий позицияни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари” мавзусида илмий тадқиқот иши натижасида эса, ёш мутахассис сифатида шаклланаётган талабаларнинг коррупцион хулқ атвори даражаси, уни келтириб чиқараётган шарт-шароитлар батафсил илмий асосда ўрганилиб, коррупцион хулқ атворга қарши барқарор ахлоқий позицияни янада такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-психологик жараёнлар ва механизмлар тадқиқ қилинади.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашда Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни тўлақонли юзага чиқариш, улар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарорларни пухта ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг кенг қамровли самарали ижтимоий шерикчилигини таъминлашда, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришда, эришилган натижалар орқали халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини яхшилаш, хусусан 2027 йилда UNCAC конференцияси мезбонлигига Ўзбекистон номзодини маъқуллаш учун замин ҳозирлашда юқоридаги тадқиқот ва амалиёт албатта ўзининг натижаларини беради.

Энг муҳими аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги юксалтирилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашишга дахлдорлик ҳисси кучаяди.